

Қандай қилиб бизга кейслар бўйича ечимларни тўғри юбориш мумкин?

1. Сиз кейсни қабул қиласиз (кейсни юклаб олиш учун ҳавола расмий сайтда “лойиҳалар” бўлимида кўрсатилади) ва масофавий тарзда ўз гуруҳингиз билан унга ечим ишлаб чиқасиз.

2. Сиз кейслар бўйича ечимларни ўз ичига олувчи word-файл ва/ёки кейс ечими бўйича тақдимотдан иборат бўладиган pdf-файлни бизга юборишингиз лозим бўлади. Сизнинг ишларингиз қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади: жавоб мазмуни, таҳлилнинг пухталиги, ечим тузилмаси ва мантиқий кетма-кетлик, жавобнинг оригиналлиги/инновационлиги ва креатив ёндашув.

3. Сиз кейс бўйича ўз ечимларингизга зарур иловаларни киритишингиз мумкин (иловалар тақдимотнинг бир қисми сифатида ёки алоҳида файл кўринишида тақдим этилиши мумкин, бироқ иловалар тақдимот таркибига киритилиши янада мақсадга мувофиқ). Иловалар файли тақдимот файли билан бир хил номланиши зарур.

4. Кейс-масалалар юзасидан барча саволлар бўйича қуйидаги рақамга мурожаат қилишингиз мумкин: +998 71 212-73-58

5. Кейслар бўйича жавобларингизни cbu.konkurs@gmail.com электрон почта манзилига юборинг.

6. Файл номида қуйидаги матнни ўз ичига олиши лозим: Finlit – кейс рақами – гуруҳ номи. Масалан, агар сизнинг гуруҳингиз “Smart Solution” деб номланса, файл номи “Finlit-1case-SmartSolution” дан иборат бўлиши зарур. Тақдимот ичида ҳам рўйхатдан ўтганда кўрсатилган гуруҳ номи кўрсатилиши лозим.

7. Google - дискдаги файлларга ҳавола кўринишидаги жавоблар қабул қилинмайди.